

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

М. Турғунов, А. Туляганов, М. Баратов,
Р. Ҳакимов, Ҳ. Юнусов, А. Саидов,
А. Тешабоев, С. Джалилов

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИ

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2024

УЎК: 613.22.01

КБК: 237-91

М 23

Масъул муҳаррир:
академик А.Х. САИДОВ

М. Турғунов, А.Туляганов, М. Баратов, Р. Хакимов, Ҳ. Юнусов, А. Саидов, А.Тешабоев, С. Джалилов. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Merit-print”, 2024. - 483 бет.

Муаллифлар:

М. Турғунов, юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти директори

А. Туляганов, юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти директори ўринбосари, профессор

М. Баратов, юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, профессор

Р. Хакимов, юридик фанлар доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими

Ҳ. Юнусов, юридик фанлар номзоди, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими, доцент

А. Саидов, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, ЎзР Жамоат хавфизилиги университети, махсус факультет бошлиғи ўринбосари

А. Тешабоев, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи

С. Джалилов, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти докторанти

Тақризчилар:

юридик фанлар доктори, профессор **М.А. Тиллабоев**

юридик фанлар доктори **Л. Исоқов**

Нашр Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 7 февралдаги ПҚ-46-сон Қарорида белгиланган вазифалар ижроси доирасида тайёрланиб, унда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизмлари, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти хусусида сўз боради.

Ўқувчиларга қулийлик бўлиши учун нашрда асосий қоидаларни ёритиш, шунингдек савол-жавоб услуби танланди.

Нашр кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Ўқув қўлланма Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти
Илмий кенгашининг 2024 йил 29 июнь б-сон мажлисида
нашрга тавсия этилган.*

КИРИШ

“Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари демократик жамиятнинг энг олий қадрияти сифатида қарор топшиши учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Фуқароларимизнинг эмин-эркин яшаши, уй-жой ва ер-мulkка эга бўлиши, тиббий хизматлардан фойдаланиши, билим олиши каби табиий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши соҳасида катта ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз ва уларни қатъий давом эттирамиз”¹.

Ш.М. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясининг муқаддимасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятини англаған ҳолда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тутувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлаш мақсади белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари ер юзида ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажralmas қисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий идеалларининг энг юқори даражада кўриниши бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун ҳозирги замон дунёсининг маънавий қадриятлари орасида умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллади. БМТ устави ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган инсон

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. – Б.20-21.

хуқуқлари фундаментал ва ажралмас хуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда.

Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилингандан кейинги ўтган ўн йилликларда **БМТ**, **ХСТ**, **ХМТ**, **ЮНЕСКО**, **Европа Кенгаши**, **ЕХХТ** ва бошқа халқаро ташкилотлар кўплаб мухим фундаментал хужжатларни қабул қилди, уларда инсон хуқуқлари соҳасидаги таълимни инсонпарварлик ғоялари асосида қуриш тўғрисидаги қоидалар ривожлантирилди. Хусусан, 1974 йил 29 ноябрь куни **ЮНЕСКО**нинг Баш конференцияси томонидан Халқаро тушуниш, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида тарбиялаш ҳамда инсон хуқуқлари ва асосий эркинликлариiga ҳурмат руҳида тарбиялаш тўғрисидаги тавсиянома қабул қилинди. Баш конференция **ЮНЕСКО**нинг барча аъзо-давлатларига мазкур тавсияномани мактаб таълими, олий ва мактабдан ташқари таълим учун масъул бўлган органлар, идоралар ёки муассасалар билан бир қаторда, ёшлар ва катта ёшдагилар орасида тарбиявий ишлар олиб борувчи, талабалар ва ёшлар ҳаракати, ўқувчиларнинг ота-оналари ассоциациялари, ўқитувчилар касаба уюшмалари, шунингдек бошқа манфаатдор томонларнинг эътиборига етказишни тавсия қилди.

Инсон хуқуқлари бўйича таълимга эътиборнинг “**ҳали ҳам бошлангич даражада**” эканини ҳисобга олиб, **Инсон хуқуқлари бўйича Иккинчи бутунжаҳон конференцияси** (Вена, 1993 йил) ўзининг Декларацияси ва Ҳаракат дастурида “барча давлатлар ва муассасаларни инсон хуқуқлари, гуманитар хуқуқ, демократия ва қонунийлик масалаларини барча ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритиш ва инсон хуқуқлари соҳасида кенг миқёсдаги таълимни таъминлаб берувчи инсон хуқуқлари соҳасида муайян дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқиши”га чақирди.

Бу борада аҳолининг хуқуқий маданиятини шакллантириш соҳасидаги фаолиятда шахс ва давлатнинг ўзаро муносабати бўйича инсоният томонидан йифилган тажрибадан фойдаланиш зарур. Бундай тажриба эса, инсон хуқуқлари бўйича асосий халқаро хужжатларда акс этган. Инсон хуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ғояси – улкан ахлоқий-хуқуқий қадрият ҳисобланади.

Кўплаб халқаро шартномалар мазкур шартноманинг мазмуни билан аҳолини хабардор қилиш мажбуриятини давлатга юклайди. Мисол учун, **БМТ** томонидан қабул қилинган Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 42-моддасида шундай дейилган: “**Иштирокчи-давлатлар тегишли ва таъсирли воситалардан фойдаланган ҳолда Конвенциянинг тамойиллари ва қоидалари**

ҳақида катта ёшдагиларни ҳам, болаларни ҳам кенг хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар”.

Хельсинки жараёни доирасида 1991 йил кузида Москвада бўлиб ўтган **ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари** бўйича конференциясининг йиғилишида аъзо-давлатлар инсон ҳуқуqlари таълими соҳасида ўз зиммаларига қатор мажбуриятларни қабул қилдилар.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари таълими давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлари бўйича қабул қилиган мажбуриятларини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган тўғридан тўғри мажбурияти хисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ўқитиш – фуқаролар юридик таълимининг таркибий қисми ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни кетаётган, Янги Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қурилаётган ҳамда адолатли фуқаролик жамияти шакллантирилаётган ҳозирги шароитларда айниқса долзарб аҳамият касб этади.

Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва қўникмаларни шакллантириш ва пировардида миллат даражасида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилишни ривожлантиришга қаратилган маданиятни шакллантириш лозим. Инсонларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билишлари шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатини амалга оширишнинг зарурий шарти бўлиши керак.

Мазкур китоб ўз олдига инсон ҳуқуқларига доир айrim масалаларни тушунтиришга ёрдам беришга қаратилган. Ўқув материалини танлашда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро декларация ва конвенциялардан, шунингдек бу соҳадаги хорижий ҳуқуқий тажрибадан кенг фойдаланилди.

Нашрнинг асосий мақсадларидан бири – ўқувчида ўз ҳуқуқларини, уларнинг моҳиятини англаган ҳолда, масъулият билан ёндашиб ва улардан фойдаланиш, ўзининг ҳуқуқий ва аҳлоқий маданиятини, инсон ҳуқуқлари маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилишдан иборат.

Нашрдан таълимнинг турли босқичларида ва турли шаклларида фойдаланиш мумкин.

Мундарижа

Кириш.....	3
1-боб. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича халқаро ҳужжатлар.....	6
1. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва уларнинг таснифланиши	6
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал халқаро ҳужжатлар	11
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича мінтақавий халқаро ҳужжатлар	23
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича субмінтақавий халқаро ҳужжатлар.....	38
8. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар имплементацияси.....	48
2-боб. Асосий инсон ҳуқуқларининг умумий тавсифи ва мазмuni	52
1. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг мазмун-моҳияти.....	52
2. Сиёсий ҳуқуқларнинг таркиби, тушунчаси ва турлари	62
3. Ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳуқуқлар: таркиби, турлари	73
3-боб. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро механизmlари	81
1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмининг умумий тавсифи.....	81
2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми	84
3. Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш механизми бўйича БМТ тузилиши	98
4-боб. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий стандартлари: таҳлил ва истиқболлар.....	113
Савол-жавоблар	177
Тестлар	206
Адабиётлар.....	227
Иловалар	235

Босишга рухсат этилди: **30.06.2024** й.
Формати: **60x84 1/16**. Босма табоғи: **22,5**.
Адади: 100 нұсха. Нархи шартнома асосида.

«....» босмахонасида чоп этилди. Манзил:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Ш.Руставели күчаси 91-үй.
